



2017 йил –

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА  
ИНСОН МАЎФААТЛАРИ ЙИЛИ

СИРДАРЁНИНГ ОФТОБ ЮЗЛИ АЁЛЛАРИ

2-бетда

ДЕПУТАТГА БЕПИСАНДЛИК ХАЛҚҚА БЕПИСАНДЛИКДИР

3-бетда

НАВҚИРОН МАЪРИФАТ МАСКАНИ

6-бетда

# Ошпа Ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият  
барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

# Жамият

29 (1336)-сон 26 июль 2017 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

## ОРЗУ-ҲАВАСНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Қизнинг ота-онаси  
ёшларнинг бу “ўзбо-  
шимчалигидан”  
хафа бўлди. “Орзу-  
ҳавас билан қиз  
ўстириб, ғарибгина  
тўй кўраманми”,  
деди она кўзлари  
жиққа ёшга тўлиб. Амма-  
холалар орзу-ҳавасини  
пеш қилишди, амаки-  
тоғалар: “Одамлар нима  
дейди?!” деб тиззасига  
шапатилади. Аммо бари-  
бир ёшлар айтганидан  
қолмади.



4-бетда

УШБУ СОНДА:

### БОЛАЛАР КИТОБ ЎҚИЯПТИМИ ?



5-бетда



### ЛОҚАЙДЛИК ЎПҚОНИГА ҚУЛАЁТГАНЛАР

ёхуд бугун бизга Анзират  
бувилар керак!

7-бетда

### КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ



8-бетда

# СИРДАРЁНИНГ ОФТОБ ЮЗЛИ АЁЛЛАРИ



**Дилфуза Ҳуролова,**  
Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси

Юзлари офтобда қизарган, дала йўлларида "Нексия" ёки "Ласетти"ни йиғитлардек чапдастик билан бошқариб бораётган, тадбиркорлиги билан оиласи фаровонлигига ҳисса қўшаётган, ғайратли, шикоятли опа-сингилларимиз – Сирдарёнинг офтоб юзли аёллари илму маърифатда ҳам, сиёсат ва тадбиркорликда ҳам беназир эканликларини намойиш этиб келмоқдалар.

Вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган тадбиркорларимизнинг деярли 45 фоизи, таникли фермерларимизнинг 125 нафари фидойи аёл-қизларимиздир. Боёвтулик фермер Феруза Жўраева 30 гектар ер олиб, пахта ва галла етиштиришда қизлар ҳам бободоҳқонлардан қолшмаслигини бутун мамлакатимизга намойиш этди. Гулистон туманидаги "Сарвиноз Собиржоновна файоз" фермер хўжалиги раҳбари Сарвиноз Шокирвани ҳам бугун бутун мамлакат танийди.

Гулистон давлат университетига Ўғиллоӣ Эрбўтаева, Турсуноӣ Зиёдова, Инобат Ширинова, Саодат Қулбоева, Дилбар Нурмухаммедова, Ўғиллоӣ Абдурахмонова, Назира Мирзаева каби фан номзодларининг илмий ишлари ишлаб чиқариш соҳаларида оммалаштирилган. Ўзбекистон Олима аёллар

уюшмаси раиси, асли гулистонлик Замира Ишанхўжаева, таникли шоирамиз, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси Ҳаётхон Ортиқбоева чин маънода ёшларга ўрнак бўлиб келмоқдалар. Солия опа Давлатова, Ҳожар Жамолова каби нуруний онахонларимиз жамиятимизнинг энг фаол аёллари сифатида ибрат кўрсатишган. Ҳозирда уларнинг барчаси маҳаллаларда ташкил этилган "Қайноналар кенгаши"нинг раиси сифатида фаолият юритишмоқда. Доно халқимиз: "Аҳиллик бўлмаган жойда барака ҳам бўлмайди", деб бежизга айтмаган. Қайнона-келиндар билан жойларда оила тутуми, тежамкорлик борасида ўқувларини ташкил этаймиз.

Кейинги уч йил ичида кўплаб аёллар кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кириб келди. Иссиҳоналар (сабзавотлар ва гулчилик), сартарошхона, умумий овқатланиш шохобчалари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат дўконлари, хўнарамандчилик ва касаначилик (бизнинг ҳудудда аёллар кўпроқ бароқ, шолча тўқишда, кўрпачи кавишда), тикувчилик билан шуғулланиб, ўз оиласи фаровонлигига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўтган йили аёллар тадбиркорлиги учун 32 млрд. 49 млн. сўм кредит ажратилган бўлса, қаторчи йилнинг олти ойида бу кўрсаткич 29 млрд. 711 млн. сўмни ташкил этган. Гулчехра Жонжигитова, Гулсара Шерматова, Эркиндей Мамажоновна, Раъно Нишоновна, Сайёра Асатуллаева каби аёлларимиз айнан хотин-қизлар кўмиталари кўмағида ўз бизнесини ривожлантириб, оёққа туришган. Тикувчи ва зардўз Махлиё Мамарозиқова жисмонан чекланган бўлишига қарамай, "Ташаббус" кўриктанловининг вилоят босқичида ғолиб бўлди. Ўнлаб моҳир зардўз шоғирдлар етиштирди. "Қояли осмон" хусусий фирмаси раҳбари Шоҳсанам Абулова эса Янгиер шаҳридаги академик лицейда ўқиб юрган пайтидаёқ лицей ўқувчи қизлари учун махсус кийим-бош дизайнини яратиб, онаси Муҳаббат опа кўмағида лойиҳасини амалга оширган эди. Ўқини битирган, ўзи ўқиган лицейдан хона олиб, тикувчилик цехи очди ва лицей қизлари меҳнат дарсидан амалиётни шу ерда ўтай бошладилар. Бугунги кунда Шоҳсанам Абулова Янгиер шаҳрининг энг яхши хўнарамандларидан бири.

## ЖАРАЁН

Мирзаободда Салима опа Мадисаева хўнарамандчилик мактабини ташкил этган. Айни пайтда вилоятимизнинг барча ҳудудларида ана шундай мактабларда юзлаб моҳир кўллар хўнара ўрганишмоқда. Туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари уларнинг ҳар бири билан индивидуал ишлаб, хотин-қизларга хўнара ўргатишлари учун шароит яратиб беришмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган "Маҳалланинг энг намунали тадбиркор аёли" танловининг маҳаллалараро босқичини 104 маҳаллада ўтказдик. Унда 339 нафар тадбиркор аёл ўз лойиҳалари билан иштирок этиб, 91 нафари туман-шаҳар босқичига йўлланмани кўлга киритди. Шу билан бирга "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси – 2017" вилоят кўриқ-танловининг коллеж босқичлари ўтказилди ва энг яхши лойиҳалар туман-шаҳар босқичларига йўл олди. Ҳар иккала кўриқ-танловининг вилоят босқичи август ойида ўтказилади.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш оилалар фаровонлиги ортишига, ўз-ўзидан ажримларнинг ҳам камайишига олиб келади. Жойларда ўтказилаётган тадбирларимизда хотин-қизлар саломатлиги ва бандлиги биринчи ўринга қўйилмоқда. Бандлик борасида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви, вилоят меҳнат ва аҳолини иқтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан тизимли иш олиб бораёпмиз.

Хотин-қизлар кўмиталари бутун эътиборини уюшмаган аҳоли, айниқса, эҳтиёмжанд оилалар аёллари ва қизлари билан ишлашга, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга, одам савдоси ва ажримларнинг олдини олишга қаратмоқда.

Биз бу борада жамоатчилик назоратини шакллантириб олдик. Қўлимизда давлатимиз раҳбари томонидан тайёрлаб берилган дастуриламал – 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси бор. Энди гап куч ва ғайратимизни аямай, ушбу вазифаларни изчил амалга оширишда қолди.

## ФЕСТИВАЛ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Самарқандда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали олдидан матбуот анжумани ташкил этилди.



Маълумки, Биринчи Президентимиз Исроҳ Каримов ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган, ҳар икки йилда мустақиллигимиз байрами арафасида Самарқандда ўтказиб келинаётган ушбу фестиваль дунёнинг энг нуфузли санъат форумлари қаторидан ўрин олди.

Бугунги кунга келиб, "Шарқ тароналари" дунё халқлари миллий мусиқа санъатини ривожлантиришга, маданиятини бирлаштиришга, санъаткорларнинг ўзаро тажриба алмашишига шароит яратадиган фестивалга айланди. Энг муҳими, мазкур фестивал халқлар ўртасида дўстликни, тинчликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан 20 йил олдин илк бор ўтказилган фестивалда 31 мамлакат вакиллари иштирок этган бўлса, 2015 йилда 66 мамлакат вакиллари қатнашди. Бугунги кунга қадар дунёнинг 100 дан ортиқ давлатлари вакиллари бу нуфузли фестивалда иштирок этди. Бу йилги фестивалда ҳам 56 та давлатдан меҳмонлар келиши кутилляпти.

Дунёнинг машҳур санъаткорлари билан бир қаторда атоқли санъатшунос олимлар ҳам юртимизга келади. Жорий йил фестивал доирасида "Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланиши" мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилиши режалаштирилган. Унда 20 дан ортиқ хорижлик меҳмонлар қатнашиши кутилмоқда.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг жаҳон майдонидаги нуфузини, аҳамиятини янада ошириш, мазкур форумга дунёнинг турли минтақаларидан ташриф буюрадиган мутахассисларнинг Ўзбекистон мусиқа маданиятига эътиборини кенгроқ жалб этиш мақсадида фестивал доирасида махсус давра сўхбатлари, тақдимотлар ва маҳорат дарсларини ўтказиш режалаштирилган.

Яна бир муҳим жиҳати фестивал қатнашчилари вилоят, туман ва шаҳарлардаги истироҳат боғларида, мусиқа санъат мактабларида учрашувлар ўтказиши, концерт дастурлари намойиш этиши кутилмоқда. Бу каби тадбирларни юқори савияда ўтказиш учун эса барча зарур шароитлар яратилмоқда.

**Бектош ИСМОИЛОВ,**  
"Оила ва жамият" муҳбири

# АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Сирдарё вилояти хотин-қизлар кўмитаси ва "Оила ва жамият" газетаси таҳририяти ҳамкорлигида Сардоба туманида "Қудратимиз бирлик ва ҳамжихатликда" мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

Тадбирда тумандаги маҳалла фаоллари, маслаҳатчилар, халқ таълими ходимлари, ўқитувчи ҳамда мураббийлар иштирок этди. Тадбирда бугунги кунда оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, оилалар мустаҳкамлигини асраш, ёшларни билимли, салоҳиятли, юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш, хотин-қизлар, айниқса қизлар бандлигини таъминлаш, эрта турмушнинг олдини олиш, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни сақлаш ва ёшлар онгига синдириш бугунги кун талаби экани таъкидланди. Оилада отанинг ролини кучайтириш, йиғитларни касб-хўнари қилиш учун нималарга эътибор бериш кераклиги борасида ҳам тақлифлар билдирилди.

"Қуйитош" маҳалласи фаоли Гўзалхон Дариева: "Оилавий ажримларда кўпроқ ким айбдор?" деган савол билан йиғилганларга мурожаат қилди. Айримлар ҳозирги келинларда оилани мустаҳкамлаш, асраб-авайлаш учун сабр-қаноат, фидойилик, оғир-вазминлик етишмаётганини, маҳалла маслаҳатчилари эса бу борада кўпроқ ташаббус қайноналардан чиқаётганини таъкидлашди.

"Наврўз" МФЙ "Қайноналар кенгаши" раиси Жумагул Эгамбердиева бугунги ёшларда оилага маъсулиятни оши-



риш учун ҳар бир хонадон катталари ўғил-қиз, келинларни газета-китоб ўқишга қизиқтириши керак, дея фикр билдирди.

Сардоба тумани ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулчехра Жумабекова оилаларни мустаҳкамлаш, оилада соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш учун барча бирдек ҳаракат қилсагина яхши натижаларга эришиши мумкинлигини таъкидлади.

Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Фарзона НАБИЕВА**

## ДЕПУТАТГА БЕПИСАНДЛИК

## МУНОСАБАТ

### ХАЛҚҚА БЕПИСАНДЛИКДИР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 2017 йил 12 июль куни бўлиб ўтган парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятининг таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган “Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва ижрочиси бўлиши керак” мавзусидаги видеоселектор йиғилишида сиёсий партиялар фаолияти кенг таҳлил этилди ва юртимиз тараққиётида сиёсий партияларнинг олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Президентимизнинг мазкур йиғилишда партиялар фаолиятидаги камчиликларга алоҳида тўхталиб, йўл қўйилган айрим хато ва нохушликларни жиддий назоратга олиш, қатъий тартиб-интизомни таъминлаш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари бизни бу борада янада хушёр, талабчан бўлишга чақиради. Ахир, юртбошимиз айнан партиялар тажрибасида чарханланган, малакаси ошган, сиёсий билими кенгайган ходимлардан раҳбар кадрлар олишни қайта-қайта таъкидлаб турган бир вақтда ўз ишига масъулиятсизлик билан қараган, зим-

масидаги жавобгарликни унутган, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун билган айрим кишиларнинг касбига лаёқатсизлигини оқлаб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари: “Депутатга беписандлик – халққа беписандлик, деб баҳоланиши шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўсқинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавоб беради”, деган фикрлари бизни халқ орасидаги муаммоларни бартараф этиш учун дадил киришишга ундайди. Бундан ташқари, республика, вилоят ва туман кенгашлари депутатларининг сўрови – бу халқ сўрови, деб баҳоланган ҳолда, бу борадаги жавобгарликни назарда тутадиган тегишли моддани қонунга киритиш кераклиги таъкидланди. Бу хайрли иш ҳам халқ манфаатларига хизмат қилади.

Таъкидланган камчиликларга ҳолисона баҳо бериш керак.

Президентимизнинг мазкур йиғилишдаги фикрлари хотин-қизлар масалалари орасидан ҳам зиммасизга жуда масъулиятли вазифаларни юклади. Шунинг учун ҳам мақсадли режаларни ишлаб чиқишни бугундан бошлашимиз керак.

**Кифоят ЭРМУХАМЕДОВА,**  
**Тошкент вилоят Куйичирчиқ тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин қизлар кўмитаси раиси, Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати**

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида ўтган давр мобайнида партиялар, хусусан, O'zLiDeP партиясида муайян натижа ва марраларга эришилган бўлса-да, хотиржамликка берилмасдан, ҳали ечимини кутаётган масалаларни таҳлил қилиш, мавжуд резерв ва имкониятларни тўлиқ ишга солиш, камчиликларни бартараф этиш, йўл қўйилган хатоларни такрорламасликка аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидлади.

## КЎПРОҚ, ЯХШИРОҚ ИШЛАШИМИЗ КЕРАК

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг аёллар масалаларига алоҳида эътибор қаратгани партия Аёллар қаноти зиммасига катта масъулиятли вазифаларни юклади. Хусусан, давлатимиз раҳбари Фаргона вилоятидаги туғруқ комплексида рўй берган нохуш ҳолатга урғу бериб, бундай ҳолатлар қайта такрорланмаслиги учун курашиш, назоратни, талабчанликни кучайтириш, жавобгарлик ҳиссини ошириш бугуннинг талаби эканини қайд этди.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёев ўз сўзида хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни хорижга қиқиб кетишдан қайтариш, аёллар орасида ўз жонига қасд қилиш каби нохуш вазиятларга қарши туриш шарт экани ҳақида гапирар экан, бу борада Аёллар қаноти ишланиши, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириши, шу йўналишда янги лойиҳалар ишлаб чиқиши за-

рурлигини уларнинг ҳар бир таъкидларидан ҳис қилдик.

Айтилган фикрлар бизни хулосага ундади: демак, кўпроқ, яхшироқ ишлашимиз керак. Чекка-чекка ҳудудларда хотин-қизлар билан бўлаётган мулоқотларимизни тўхтатмайлик, натижаларни кўрсатайлик, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда илғор бўлайлик... Негаки, иш билан банд бўлган аёл рўзгорига даромад киради, моддий муаммолари қайсидир маънода ечим топади, турли гап-сўзларга эътибор бермасликка кўникади, хориждан нажот изламайди, фарзанди, оиласи камоли учун қайғуради, ҳаёлидаги нотўғри, беўрин ўйлардан холи бўлади...

**Хуршидаҳон ҲАЛИЛОВА,**  
**O'zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши раисининг Аёллар масалалари бўйича ўринбосари**

## ТАДБИРКОР

**Сурхондарё вилоятининг Кумқўрғон туманида маиший хизмат кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, эндиликда полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Зулфия Чориевнинг ғайратига унча-мунча йигитларнинг ҳаваси келади.**

## БАРАКАНИНГ КАЛИТИ – МЕҲНАТ

– Ҳар бир ота-она фарзандлари келажагини ўйлаб, уйим-жойим, деб яшайди, – дейди Зулфия опа. – Оила фаровонлигига эришиш осон эмас. Биз ҳам турмуш ўртоғим билан аввалага ўзимизни ўтга-чўққа урганмиз. Ҳаракат ва меҳнатдан тўхтамасангиз ишингизга барака киривераркан. Тўғриси айтсам, тадбиркорлик фаолиятимизни битта фотоаппарат билан бошлаганмиз. 2007 йилда “Азамбой Очилбой” хусусий корхонасини очдик. 2009 йилда давлатдан 9 юз минг сўм кредит олдик. Албатта, бошланишида бироз қийин бўлди. Аммо тез орада ўзимизни тиклаб, оёққа турдик. Кредитни ўз вақтида қайтариб, 2013 йил 45 миллион сўмлик кредит олиб, ишлаб-чиқаришни йўлга қўйдик. Шундан кейин корхонамиз кенгайиб, ривожлана бошлади. Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигининг қўллаб-қувватланиши, оилада ва жамиятда ўз ўрнимизни топишимиз учун кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликлар ўзимизга бўлган ишончимизни мустаҳкамлаб, дадил ишлашимизга кенг йўл очди. Туманимиздаги тадбиркор аёллар фаолиятини йўлга қўйишида туман хотин-қизлар кўмитаси ҳам яқиндан ёрдам бермоқда.

Бугунги кунда хусусий корхонамизда полиэтилен қувурлар ишлаб чиқараёلمиз. Айни пайтда 6 та ишчи ўрни яратилган. Бир ойлик маош 750 минг, 1 млн. сўмни ташкил этади.

Уч фарзандни ақлли-хушли қилиб вояга етаказётган Зулфия Чориева маҳалладошлари корига ҳам камарбаста. Айни кунда янги режалар устида иш олиб борапти. Полиэтилендан касалхоналар учун махсус пойафзал қоплагичлар (бахилла) ишлаб чиқариш учун Хитойдан технологиялар олиб киришни мўлжалламоқда. Насиб этса, яна тўрт ишчи ўрни яратилади.

Мамлакатимизда Зулфия Чориева каби тадбиркорлар сонининг кўпайиши аҳолини иш билан таъминлаш ва бозорни сифатли



маҳсулотлар билан бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Чорихон ҚОСИМОВ,**  
**“Оила ва жамият” мухбири**

## ОҚИБАТ

Тошкентдаги А.П.Хлебущкина номи 22-сонли Меҳрибонлик уйи ёнидан ўтаётиб, ўйлайман: 1941 йилда ташкил этилган бу уйнинг дастлабки тарбияланув-

## ОТА-ОНАСИ ЙЎЛГА ИНТИЗОРЛАР

чилари фашизмнинг жиркан қилмиши оқибатида отасиз, онасиз, ака-укасиз, опа-сингилу қариндош-уруғсиз қолган турли миллат вакиллари бўлган болалар эди. Ушундан минглаб болаларнинг ороми бузилди. Болалиги ўғирланди...

Бугун, тинч ва дориломон замонда Меҳрибонлик уйида яшаётган аксарият болаларнинг ота-онаси ҳаёт.

– Бу ерда 110 нафар ўғил-қиз тарбияланади, – дейди Меҳрибонлик уйи маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Хурсаной Холова, – Болажонлар учун 5-6 маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак, ўқув қуроллари, бадий китоблар, ўйинчоқлар ва бошқа зарурий эҳтиёжлар учун барча шароитлар муҳайё. Саховатпеша юрдошларимиз ҳам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келишмоқда. Лекин болалар ўз ота-онасини кутиб ашайдилар.

Ушбу масканда 13 турдаги тўғрақ ташкил этилган: тўқувчилик, каштачилик, тикувчилик, кулолчилик, наққошлик, шахмат, шашка, сузич, энгил атлетика, футбол, баскетбол. Булар боланинг вақтни фойдали ўтказиши билан бирга, уларни катта ҳаёт, оила аталмиш масканга тайёрлаш мақсадида ташкил этилган. Иш фаолиятини энди бошлаган пайтла-

рим ўғил-қизларимиз 9-синфни тамомлаб, бу ерни тарк этган, бир қанча муаммолар юзга келгани ҳамон эсимда. Айниқса, мустақил тарзда ўзларига егулик-овқат тайёрлай олмаслиқдан қийналишарди. Меҳрибонлик уйида ҳамма нарса муҳайё

қилиб берилиши натижасида болалар: “Олма пиш – оғзимга туш” қабилида яшашга ўрганиб, дангаса бўлиб қолишарди. Шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 8-9 синф ўқувчилари учун – оилага тайёрлаш гуруҳи ташкил этдик. Бу ерда уларга алоҳида ошхона ажратилган. Қизлар билан бирга ўғил болалар ҳам навбати билан овқат ва турли пишиқлар тайёрлашни ўрганишади.

Битирувчиларимиз коллеж-лицейга ўқишга кирган ҳам бизнинг тасарруфдан чиқиб кетмайди. Агар улар қандайдир муаммоларга дуч келса, бизга тўғридан-тўғри ўзлари ёки ўқув юрти раҳбариятига мурожаат қилиши мумкин. Илгари битирувчиларимиз орасида олий ўқув юртига ҳужжат топширганлари кам эди. Аммо сўнгги йилларда улар жуда фаол, кўшига қизиқишлари кучли. Абитуриентларимизга “Сен ёлғиз эмассан” республика болалар жамоатчилик мамармаси кўмак бермоқда.

Хурсаной Холваннинг айтишича, бу ерда ишлаётганига 15 йилдан ошган ва болаларни, уларни кўргани келган яқинларини ҳам кўп кузатиб, ота-она ва туғишганлар ўрнини ҳеч ким боса олмаслигига иқрор бўлган.

**Яшна ЭМИНОВА**

# ОРЗУ-ҲАВАСНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?



## “ДАБДАБА ВАСВАСАСИ”

“Болаларимга уй курсам, тўйлар қилсам, келин олиб, қиз узатсам, уларнинг бахту саодатини кўрсам”, деган истаклар қуршовада умримиз ўтаверади.

Кўп ҳолларда жигарбандларимизнинг бахтини мол-дунё, дабдаба ва ҳашамат билан ўлчаймиз. Қизимиз қиммат сеп-сарполар, хориж мебеллари билан узатилса бахтли бўлади, деб ўйлаймиз. Уғлимизга бадавлат хонадоннинг, сепли қизини данғиллама тўй билан олиб берсак ҳамма бизга ҳавас қилади, фарзандимиз иқболли бўлади, деган ўйдан юпанч излаймиз. Аслидачи, мол-давлат, бойлик, ҳашамату дабдаба бахтни нақд қиладими? Афсуски, ҳар доим ҳам ундай эмас.

Тўйлар ва оилавий маросимларни тартибга солиш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ва кун сайин ўзгараётган дунёқарашимиз “кўрпага қараб оёқ узатиш”га, тўй-маросимларимизни ҳолимизга яраша ўтказишга мажбур қиляпти. Оила, никоҳ масалаларига жиддий қарайдиган, фарзанди тақдирга ўзини дахлдор санайдиган, тўйларни ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказиб, йиғиб-терган маблағларини мақсадли харж қиладиган юртдошларимиз орамизда кўпайиб бораётган бўлсада, бироқ дабдаба васвасасидан ҳамма ҳам халос бўлолмапти.

## 40 МИЛЛИОН СЎМГА БИР ДИПЛОМ

Нодира **ДОНИЁРОВА**, Бухоро шаҳар “Шайхон” маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Одамларнинг атроф-жамиятга муносабати ўзгарди. Кўпчилик оилалар кизларини ўқитиб, касб-хунарни қилиб, кейин узатишяпти. Бир қизни дунёга келтириб, тарбиялаб, ўқитиб узатаётган ота-онадан аслида куёв томон умрбод миннатдор бўлиши керак. Қизнинг 4 ёки олти йил ўқиб, олий маълумотли бўлиши учун ўртача ҳисобда йилга 8 миллион сўм пул кетса, 4 йилда 32 миллион сўм сарфланади. Тагин ҳақиқи довомида йўл кира, ижара ҳақи, озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқув куролини, майда-чуйда харажатларга ҳам камда саккиз миллион сарфланади. Ҳаммасини умумлаштирсангиз, қизини ўқитиб, олий маълумот қилиш ота-онага қирқ миллион сўмга тўшаётгани ойдинлашади. Шунча харажат қилиб, машаққат чекиб, ишли-маошли қизини узатаётган ота-онадан: “Қизингга фалон давлатда ишлаб чиқарилган мебелни олиб бер”, “Тақинчоқлари ҳам, сарпоси

ҳам зўр бўлсин”, деб шарт қўйиш инсофсизлик-да! Бундай одамларнинг ўғли “Йигитман!” деб бош кўтариб юришга уялсин! Қизни авайлаб-асраб ўстирган, ҳоли-қудратига яраша сепу сарпо қилиб узатган ота-она айбдор эмаски, қудаларига ялиниб яшаса...

мизми, бунақа қиммат сарполаригами?” деб ўксинардим. Уша вақтда холамнинг университетда таҳсил олган қизи ҳам узатилди. Жияним сарпосининг кам-кўстини бутлаш учун пойтахтга келиб, уч-тўрт зарур нарсаларинигина харид қилди. “Этик, палто, иссиқ кийимлар олмайсанми? Идишларнинг ҳам энг сараларини сепингга қўшмасак бўлмайди, олий маълумотли қиз қуруқ узатиласанми?” дегандим, жияним: “Қишгача ҳали анча бор, тўйдан кейин ишга чиқсам, этик, пальтони олишга етадиган пулим бўлади. Уй тўрига кўрғазмага қўйиладиган қиммат идишларни сотиб олишга ортиқча пулим йўқ.

Ушанда ҳамкасбларим билан чоғиштириб, холам билан почамни “орзу-ҳавассиз, бепарво одамлар” деб ўйлагандим. Лекин бойлигини кўз-кўзлаб, тўй қилган ҳамкасбларим болаларининг оиласини асраб қолишолмади. Жияним эса шукр, кенг уйнинг келинчаги бўлиб эрининг меҳр-муҳаббати, қайнона-қайнотасининг иззатида яшяпти. Уни ҳар кўрганимда тўйдан олдин “Сепинг бунча ғариб?” деб маломат қилганим учун уяламан...

## БИР ҚИЗНИНГ ЎҚИБ, ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ БЎЛИШИГА ҚАНЧА МАБЛАҒ САРФЛАНАДИ?



Контракт суммаси ҳар йили саккиз миллион бўлса, 4 йилга

32 миллион бўлади



Тўрт йил давомида йўл кира, ижара ҳақи, озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқув куролини, майда-чуйдасига кам деганда 8 миллион сарфланади

Бир қизнинг олий маълумот олиши ота-онага 40 миллионга тушади

Ақсинча, хотиннинг молига кўз тикаётган эркекнинг ориятга ўт тушган деяверинг!

## ҚИЗ ТАРАФ ҲАМ АЙБДОР

Бундай ҳолатларда фақат куёв томонни айбдор қилиш нотўғри. Беш бармоқ баравар бўлмаганидай, ўғил уйлаётганлар орасида ҳам тушунган, келиннинг мол-дунёсига кўз тикишдан ҳаё қиладиган оилалар талайгина. Аммо қиз узатаётган ота-оналар: “Мен бировдан камманми?”, “Қизимнинг кўнгли ўксиди”, каби баҳоналар билан рўзгордан қийиб сарпо йиғадилар. Бу йўлда қарз кўтараётганлар, оқибатда ўзини ҳам, яқинларини ҳам қийин аҳволга солиб қўяётганлар афсуски, орамизда кўллаб учрамоқда. Инсоннинг қиммати зийнату зар билан эмас, илму хунар билан ўлчанишини мулоҳаза қилмайдиганлар касрига бугун қизлар қадри арзон бўлаётганлиги эҳтимол...

## “МАЛОМАТИМ УЧУН УЯЛАМАН”

Гулнозхон **УМАРОВА**, ўқитувчи:

— Инсонмиз-да, “Бойлик бахт бермайди” деймизу, ибора замиридаги ҳақиқатни ҳар доим ҳам мулоҳаза қилавермаймиз. Утган йили икки ҳамкасбимиз қуда бўлишди. Уғил-қизига бир-бирдан ўтказиб сарполар қилиб, дабдабали, серхаражат тўй қилишди. Уларга қараб туриб, тўғриси, юрагим орқага тортиб кетарди. Қизимни ўйлаб: “Ўқишига пул топа-

## КЕЛИН-КУЁВ ҲИММАТИ

...Эри вафот этиб, уч бола билан бева қолган орасида кўли қисқалигидан уйининг томини ёполмаётганди. Йигит тўй харажатларини қисқартириб, тежалган пул билан орасига ёрдам бермоқчи эканини уйланаётган қизига айтди. Қиз ҳам эсли-хушли экан, бир неча соатлик дабдабали тўйдан кўра, икки дунё саодатига эриштирувчи дуо олишни маъқул кўрди. Қизнинг ота-онаси ёшларнинг бу “ўзбошимчалигидан” хафа бўлди. “Орзу-ҳавас билан қиз ўстириб, ғарибгина тўй кўраманми”, деди

она кўзлари жиққа ёшга тўлиб. Амма-холалар орзу-ҳавасини пеш қилишди, амаки-тоғалар: “Одамлар нима дейди?!” деб тиззасига шапатилари. Аммо барибир ёшлар айтганидан қолмади. Ҳақиқий бахт йўлидаги хайрли ниятнинг бирга, ҳамжихатликда амалга оширишди. Эҳтиёжманд опанинг кам-кўсти бут бўлди, кўнгли ўксик болаларга қувонч улашилди. Икки томоннинг яқинлари йиғилиб, ихчамгина тўй қилиб, ёшларни никоҳлаб қўйдилар.

Йигитнинг оиласи келинни ўз қизидек қабул қилди. Чунки у ҳали уй

## СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

остонасидан ўтмай туриб, оиладагиларнинг меҳрини қозонишга улгурганди.

## НИКОҲНИНГ ЕНГИЛ БЎЛИШИ – БАХТ-САОДАТ КАЛИТИДИР Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ, Тошкент Ислам институти ўқитувчиси:

— Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав)дан ривоят қилинган ҳадисда: “Никоҳнинг яхшиси – таъминоти енгилроқ бўлгани, аёлнинг яхшиси маҳри енгил бўлганидир”, дейилади. Ёшлар бахтли бўлиши учун ота-оналар ўзларини ҳам, фарзандларини ҳам жабрламай, ихчам тўй қилишлари жоиз. Тўй қанчалик катта, серчиқим ўтса, ёшлар: “Ота-онамнинг кучи ҳамма нарсасига етади, яна уйлансам яна шунақа дабдабали тўйлар қилиб беради”, деган ҳаёлда ўзига бино қўяди.

2002 йил 28 декабрда Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг: “Тўй-ҳашам, маърака-маросимларни тартибга солиш ҳақидаги” фатвоси эълон қилинди. Фатвога кўра, тўй-ҳашам, маърака-маросимларга сарфланадиган мол халолдан бўлиши керак. Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав)дан ҳадис ривоят қилинади: “Агар харомдан эҳсон қилинса, молга барака қирмайди ва садақа қабул қилинмайди”. Шунингдек, эҳсон холис ниятда қилиниши ва исрофгарчиликка йўл қўйилмаслиги керак. Қолаверса, шариятимиз буюргани бўйича никоҳ тўйининг барча сарф-харажати куёвнинг зиммасида бўлиши керак. Афсуски, бугунга келиб бу ҳолатнинг бутунлай аксига гувоҳ бўляпмиз. Таъкидлаш керак, халқимиз орасида дабдабали тўй қилишга имконияти етарли бўлса-да, камхаржлик, тежамкорлик йўлини танлаб, ортиқча удумларга кетадиган пулни рўзгордаги зарур эҳтиёжларига ишлатаётганлар ҳам бор. Бундай инсонларни кўпроқ намуна қилиб кўрсатиш, тўйларимизни камчиқим ўтказиш борасида ташвиқот ишларини кўпайтириш керак, деб ўйлайман. Тўйнинг ихчам ўтиши, никоҳнинг енгил бўлиши бахт-саодатнинг калитидир.

## СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Фарзандининг бахт-саодати ҳақида ширин ҳаёлларга берилганда ота-она кўз олдига аввало, боласининг тўйини келтиради. Уғил-қизи, невараларининг дабдабали тўйларини орзу қиладиган юртдош, атрофингизга бир қаранг, бугун инсонларнинг ҳаётга муносабати ўзгарган. Хонадони баракасини беҳуда дабдабага совурмай, тўйини овқатхўрлик, жазавали рақс маросимига айлантормай, ёшларга уй-жой қилиб бераётган, замонавий билимлар ва хориж тилларини ўргатиб, боласининг келажига мустақкам пойдевор қўяётганлар кўпайиб бормоқда. Сиз ҳам улардан бирига айланшингиз, “орзу-ҳавасли тўй” учун йиққан пулингизни мақсадли сарфлаб, болаларингизнинг тадбиркорлиги ёки ўқиб, билим олиши учун янги имкониятлар эшигини очишингиз мумкин.

Орзу-ҳавасингиз ва ниятларингиз саодатга йўғрилсин, топганингиз фарзандларингизнинг бахту камолига сарфлансин, юртдош. Тўйларингиз муборак бўлсин!

Умида АДИЗОВА

# БОЛАЛАР КИТОБ ЎҚИЯПТИМИ?

Кўпчилик ота-оналар фарзандининг китобга меҳри йўқлигидан, боласи бўш вақтини компьютер ёнида ўтказаятиганидан нолишади. Кимдир фарзандининг кўлига китоб бериб, бир ой муддатда ўқиб чиқишни шарт қилиб қўйса, бошқа бирова болага кўчага чиқишни тақиқлайди. Аммо бу билан ҳам фарзандида китобга меҳр уйғотолмайди. Аслида муаммонинг туб илдизи қаерда? Нега бугун болаларни китоб ўқишга қизиқтиришимиз қийин бўляпти? Бу ҳақда соҳа мутахассисларининг фикри қандай?

## АТИР-УПАДАН АРЗОН

Пойтахтимизнинг Навоий кўчасидаги китоб дўконлари гавжум бўлмаса-да, ҳарқалай, бу ерда китоб-севарларни учратиш мумкин.

– Айрим харидорлар нархига қараб харид қилса, айримлар кўпчилик ўқийдиган, яъни урф бўлган китобларни сотиб олишади, – дейди саккиз йиллик тажрибага эга бўлган Ҳилола исмли сотувчи. – Кўпчилик дедектив қиссаларни сўрайди. Доимий мижозимизга айланган китобсеварлар ҳам бор. Баъзилар боласининг ёшига мослаб китоб олишади. Улар билан савдо қилиш жуда мароқли. Асосий харидор – ўқувчилар ва аёллар. Талабалар дарслик китобларни, оналар фарзанд тарбиясига ва пазандаликка оид қўлланмаларни харид қилишади.

– Ҳар маош олганда шу ерга келаман, – дейди харидор Муножот опа. – Маошимдан ўттиз-қирқ минг сўмни китоб учун ажратаман. Уч нафар ўғлим бор. Дадаси ҳам, мен ҳам кун бўйи ишда бўламиз. Болаларимда ёшлигидан китобга меҳр уйғотганмиз. Туғилган кун ёки байрамларда совага, албатта, битта китоб қўшиб қўярдик. Болалар ўйинчоқларни бир-икки кун ўйнардую, кейин китоб ўқишга киришиб кетишарди. Китоблар фарзандларимизнинг ақлини чарқлади.

– Бу ерга спортга доир китоб сотиб олгани келганидан, – дейди Умид исмли йигит. – Мураббийим ундагани учун сотиб олдим. Ўртоғимникидан фойдаланиб турганим. Бадиий китобларга умуман қизиқмайман. Китоб ўқисам, уйқум келади.

– Бир дугонан Дейл Карнегининг китобларини мақтаганим, – дейди Севара исмли талаба қиз. – Стипендиям чиққанди, келиб олиб кетяпман. Унчалик қиммат эмас. Учта китобнинг нархи айрим қизларнинг «Fеberlik» дан олдиган атир-упаси пулидан анча арзон.

## НАРХИ ОШСА, ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИШАДИ

Умид ХОЛИҚОВ,  
“SHARQ ZIYOKORI” китоблар маркази директори:  
– Ижтимоий тармоқдаги мухлисларимиздан бири: “Сизда инсоф борми, Sharq ziyokori”, деган жумлаларни ёзиб

адабиёти мавжуд. Булар йилдан йилга кўпайиб борапти. 32 миллион аҳолидан 6 миллионини китоб ўқишга лаёқати бор болалар ташкил этади.

Яқинда иккита ўспирин йигит дўконга адашиб кириб қолибди. Бири иккинчисига: “Тезроқ бу ердан кўриб кетайлик, бирорта танишимиз қўриб қолса, “лох” (калтафаҳм демоқчи) деб уйлайди”, дея тез-тез юриб дўкондан



ди. Унинг фикрича, бизда сотилаётган китобларнинг нархи қимматмиш. Китобнинг нархи озгина ошса, одамлар дарров эътироз билдиришади. Ҳаётимизни муаммога тўлдириб бораётган урф-одатларни кўриб туриб ўса, кўрмасликка олишади. Мисол учун битта ота-она ўглини уйлантириш учун “Лимузин” ижарасига 200 АҚШ доллари сарфлайди.

Хориж автомашиналаридан камида 4-5 тасини 1 0 0

чиқиб кетишди. Китобдан ҳазар қиладиган, кўрқадиган ёшлар билан эртанги жамиятни куриб бўладими?... Ҳозир ёшлар интернетдан тайёр маълумотни олишга ўрганишган. Китоб одамда ижодий тафаккур ва тасаввурни шакллантиради. Энг яхши кинотеатр – бу бизнинг тасаввуримиз, деган донишмандлардан бири.

Хорижда бола бир ёшга етганидан бшлаб китобга меҳрни шакллантирувчи йўналишлар ишлаб чиқилган. Яъни, болани чўмилираётганда тоғорадаги сувга тулки, қуён, айиқ, балиқ ва бошқа турли шакллар билан безатилган резинали китобчалар солиб қўйишади. Бола мурғаклигидаёқ дунёни англашга ўргатилляпти. Биз туғруқхонадан олиб чиқаётгандаёқ болани уйга “орзу-хавас йўрғани”га ўраб, “Лимузин”да олиб кетамиз. Ҳозир кўча-кўйда, лаваш, киришки, хот-дог, турли қарсилдоқлар сотиладиган дўконлар кўп. Ота-оналар боласини овутиш учун кўлига битта киришки, ёки ширинлик олиб беради, шу билан боланинг овози ўчади. Китоб олиб берса, ота ёки она уни боласига ўқиб бериши, тушунтириши, меҳнат қилиши, вақт ажратилишига тўғри келади-да. Китоб ёзиш учун ҳам, ўқиш учун ҳам ақлий меҳнат талаб қилинади. Бу меҳнат муносиб баҳолашни керак-да.

Бизда пул солишга мўлжалланган чўнтак сумкачалари оммалашган. Агар ўшалар қаторида чўнтак китобчалари чоп этиш йўлга қўйилса, яхши бўларди...

## ОФАРИНБОЗЛИК КЎП

Ашурали ЖЎРАЕВ,  
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошидаги Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

– Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик бир йиғилишда: “Шўри курсин, ўзбек боласини, айланиб, ўргилиб

## БУГУННИНГ ГАПИ

“Сариқ девни миниб”ни ўқийвереди”, деганди. Бугун болалар адабиёти 80-90 йилларда яратилган асарлар атрофида қолиб кетди. Болаларни ҳайратга соладиган, салмоқли, асарлар йўқ. Шеърятда ҳам Анвар Обиджонга тақлидчилар кўпайди. Болалар адабиётига эшик қоққан ёш ижодкорлар орасида ҳам янгилик яратаётганлари кўзга ташланмаяпти. Офаринбозлик кўп. Дунёни Гарри Потер босиб кетди. Бир эртақ 7 наشريётда ҳам бир вақтнинг ўзида чоп этилаётган ҳолатлар бўляпти.

Назаримда, болалар адабиётидаги танаффус жуда узоқ чўзилди. Биз ёзувчилар уюшмасидаги ижодкорлар ҳам фақатгина тadbир ўтказиш билан бандмиз. Тўғри, чекка қишлоқ, туманларга бориб, мактаб ҳамда касб-хунар коллежларида иқтидорли ёшларга дуч келамиз. Аммо негизий улар катта адабиётга етиб келмаяпти. Адабиётни тирик организмга қийслайдиган бўлсак, болалар адабиёти ҳам энг керакли аъзоси, уни ҳам ривожлантириш керак. Тўғри, болалар учун ижод қилиш қийин. Уларни алдаб бўлмайди, ёлғон ёзсақ, сезишади. Улар учун ҳаммабоп, қалбини уйғотадиган, руҳиятига таъсир қиладиган асарлар ёзиш керак. Бугунги кунда Дилшод Ражаб яхши ижод қиляпти, деб айтишим мумкин. Абдурахмон Акбар исмли яхши ижодкоримиз бор эди, оламдан ўтди. Фарғонада Вали Аҳмаджон, Самарқандда Худойберди Комилов, Хоразмда Рустам Назар, Қорақалпоғистонда Аҳмад Оқназарлар яхши ижод қилишляпти, аммо қўлма-қўл ўқилаётган асарлар кўзга ташланмаяпти. Яхши асарлар яратилишига умид қиляпмиз.

## БОЗОР ТАЛАБИГА ҚАРАБ ЧОП ЭТИЛАДИ

Даврон УЛУҒМУРОДОВ,  
Чўлпон номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи Бош муҳаррири:

– Ўзбекистон республикаси Президентининг “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишида, китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламини қамраб олиш, китоб махсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш белгилла берилди.

Юқорида таъкидланганидек, битта эртақ китобни камида еттита нашриётда чоп этилаётгани бор гап. Сабаби, нашриётлар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Бозор талабига қараб китоб чоп этилавереди. Балки кейинчалик ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйиларди. Ундан ташқари китобларни вилоятларга етказиш тизимидаги муаммоларни ҳам ҳал этиш керак. Илгари китобларни вилоят, туман ва ҳатто чекка қишлоқларга етказиб бериш тизимли равишда амалга оширилларди. Яъни, битта китобнинг нархи минг сўм белгиланган бўлса, энг чекка қишлоққа етиб боргунча ўша нарх сақлаб қолинарди.

Фарзандларимиз қалбида китобга меҳр уйғотиш ўзимизга боғлиқ. Болаларимиз ҳар нарсада биздан ўрнак олишади. Шундай экан, китоб ўқишни ўзимиз бошлаб берайлик.

Нигора РАҲМОНОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири

# НАВҚИРОН МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлаш, ёшлар маънавияти ва тафаккурини юксалтиришда олий ўқув юртинининг алоҳида ўрни бор. Узоқ йиллик тарихга эга бўлган Самарқанд давлат университети ҳам тайёрлаган салоҳиятли кадрлар ва илм-фан йўлида тўплаган бой тажрибаси билан шуҳрат топган таълим даргоҳларидан бирidir.

Мамлакат илм-фани ва миллий таълим тизимини барпо этиш, фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқотлар, адабиёт соҳасида эришган ютуқлари, ёш авлодни тарбиялашдаги хизматлари, республикамизга кўп минг сонли юқори малакали кадрлар тайёрлаш, халқимиз маданияти ва маърифатини халқаро майдонда намойиш этиш ва тарғиб қилишдаги хизматлари инobatга олиниб, ҳукуматимиз томонидан бу қутлуғ даргоҳнинг 90 йиллигини жорий йилда кенг нишонлашга йўналтирилган Фармойиш эълон қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституция қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» мавзусидаги маърузасида бу борада олиб борилаётган кенг миқёсли ишларни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларни мантиқий яқини етказиш вазифасини олдимизга қўйди. Ҳукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси – ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатлигини аниқ-



ахлоқий тарбия соҳасида олиб борилаётган ишлар миллий қадриятларни эъзозлашга ҳамда уни тарғиб қилишга, талабалар онига миллий гоани сингдириш, Ватанга муҳаббат, ўзликини англаш, мустақилликнинг қадрига етиш каби туйғуларни шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган.

Университетда талабалар иштирокида «Талабалик баҳор» фестивали, «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Барҳаёт анъаналар» каби кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Таълим масканининг Бош ўқув биносидан юртимиздаги таълим, маънавият ва маърифат тарихига доир «Маърифат бўстони: кеча, бугун ва келажак жилolari» деб аталувчи рангтаъсирлар мажмуаси (панно), мустақиллик йилларида Самарқандда яратилган маънавий иншоотлар рўйхати, «Самарқанднинг маънавий ўчоқлари» номли электрон харита талабалар салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

меросининг маънавий-маърифий қадриятларни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти» мавзусида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти билан ҳамкорликда ўтказилган конференция ҳам худди ана шундай тарбиявий аҳамият касб этди. Конференцияда Яссавия тариқатининг етук намояндаларидан бири, мутасаввуф шоир ва олим Шайх Худойдод Вали ҳаёти ва ижоди юзасидан тингланган маърузалардан ташқари алломанин УЗФА Тил ва институти катта илмий ходими С.Сайфуллоҳ томонидан нашрга тайёрланиб, чоп этилган «Улуғ авлиё» асарининг тақдироти йиғилганларда катта таассуроот қолдирди.

«География XXI асрда: муаммолар, ривожланиш истиқболлари» Республика илмий-амалий конференциясида университет таълими ва маънавиятга сезиларли ҳисса қўшган профессор Мардон Умаровнинг ибратли ҳаётига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу каби ан-

рининг ислом тамаддуни ва таълим тизими тараққиётида тугган ўрни», «Ўзбекистонда илм-фан, олий таълим тизимининг шаклланиши ва тараққиётида Самарқанд давлат университетининг тугган ўрни» мавзуларида ўтказиладиган халқаро конференциялар, шунингдек «Улғубек астрономия мактаби ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни» илмий анжумани ўтказилиши кутилмоқда.

«Самарқанд давлат университети тарихи архив ҳужжатларида», «Самарқанд давлат университети илмий мактаблари тарихи», «Самарқанд Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғини», «Самарқанд туризм шаҳри» китоблари, фотоальбом ва буклетлар, университетдаги маънавий-маърифий, ўқув-услубий, илмий тадқиқот ишларини ўзида жамлаган китоб нашрга тайёрланмоқда.

Юбилей тадбирлари доирасида матбуот хизматининг ташкил этилгани ҳам маънавий-маърифий ишларнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда. СамДУнинг шонли йўли ҳақида ҳужжатли фильм тайёрланмоқда. Илмий, илмий-оммабоп, хотира ва эсдалик мақолалар ёзишга университетнинг нуфузли профессор-ўқитувчилари, СамДУни битирган ва республикамизнинг турли ҳудудларида яшаб келаётган олимлар, педагоглар ҳамда жамоат арбоблари жалб этилган.

Юбилей арафасида ўтказилиши режалаштирилган илмий мактаб яратиш, университет тарихида муносиб из қолдирган таълим ва фан намояндаларининг оилаларига меҳр-саховат кўрсатиш ҳамда «Иқтидорли ёшлар Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти пойдевори» шиори остида Самарқанд шаҳар олий таълим муассасалари талабалари фестивали ҳам



равшан белгилаб берди.

Президентимиз ўз маърузасида бу борада ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини айтдилар. Халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятини энг катта бойлигимиз сифатида эътироф этган Президентимиз, ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилишини маълум қилди.

Самарқанд Давлат университети жамоаси ҳам бу борада куч ва имкониятларини тўла ишга солишга ҳаракат қилмоқда. Маънавий-маърифий ва

Самарқанд давлат университетида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар яратган янгиликлари, амалга оширган кашфиётлари, умминсоний муносабатлар ва миллий қадриятларга бўлган муносабатлари, таълим соҳасидаги илғорлиги билан бошқаларга ибрат бўлиб келмоқда.

«Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги фани шаклланиши ва тараққиётида Самарқанд илмий мактабининг тугган ўрни» мавзусида ўтказилган иккита конференция гарчи илмий характерда бўлса ҳам, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун катта маърифий аҳамиятга эга бўлди. Чунки улар Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдурахмон Саъдий, Воҳид Абдуллаев, Ботирхон Валихўжаев, Худойберди Дониёров ва бошқа алломаларнинг илмий-педагогик ва ташкилотчилик фаолиятлари ҳақида янги маълумотлар олдилар.

«Шайх Худойдод Вали илмий



жуманлар ўзбек илми ва маънавиятида улкан из қолдирган академиклар, фан, маданият ва санъат арбоблари, профессорлар ҳаёт йўлини ўрганиш ва ёшлар ўртасида тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Навқирон маърифат масканининг юбилейи арафасида Самарқанд вилояти ва шаҳар телевидениеси орқали дорилфунуннинг шонли йўли ҳақида туркум кўрсатувлар ва эшиттиришлар бериб берилмоқда. Бу ишга университетнинг З.Муқимов, С.Қаримов, М.Турсунова, А.Абдулқосимов, Е.Малиновский, Н.Низомов, А.Насимов, Ф.Набиев, Х.Келдиёров, А.Солеев, Ж.Яхшилик, Б.Хўжаёров, Ж.Вафоева, М.Қодиров, С.Лақаев, Э.Абдурахмонов, А.Жумабоев, А.Жабборов, У.Жўраев сингари таниқли олимлари жалб этилган.

Юбилей муносабати билан жорий йилнинг сентябрь ойда дунё олимлари иштирокида «Ўрта асрлардаги Самарқанд мадрасаси олиятла-

катта маърифий аҳамиятга эга бўлади. Ёшларимизни маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш ва уларнинг ягона мақсад – Ватан равнақи ва истиқболи йўлида янада мустаҳкам жипслашишларига хизмат қилади.

Хуллас, амалга оширилаётган ислохотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар нафақат Самарқанд илму маърифати тарихида, хусусан Самарқанд давлат университети тақдирини ҳам гоётада муҳим роль ўйнайди. Дунё таълим тизимининг илгор технологияларини ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш билан биргаликда, бу қутлуғ масканда маънавий-маърифий, илмий-педагогик соҳаларда анъаналар давом эттирилмоқда ва бу анъаналар, шубҳасиз, Самарқандда замонавий университет моделининг яратилишига хизмат қилади.

**Алишер ЭШТАЕВ,**  
СамДУ маънавий-маърифий  
ишлар бўйича проректори



ОЙНА

# ЛОҚАЙДЛИК ЎПҚОНИГА ҚУЛАЁТГАНЛАР

ёхуд бугун бизга Анзират бувилар керак!

Эрталаб ишга отланаётиб, телевизорда рўмолини бошига дол ташлаган, ўктам-ўктам қадам босиб, одамларга йўл-йўриқ кўрсатаётган, хўжалик раисининг ёдига келмаган кўприкни ҳашар йўли билан тузатаётган ғайратли-шижоатли Анзират бувининг таниш чеҳрасига кўзингиз тушаркан, “Толиб олишгани шу тўртта кинолента: “Суюнчи”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Чинор остидаги дуэл”, “Тангалик болалар”... Яна, яқин йиллар ичида экранга чиқарилмагандай, бир ҳафта олдин реклама қилишларини-чи!” деган хаёлда кўчага чиқасиз.

Муюлишда маҳалланинг тўрт-беш боласи бир бўлиб, ожизроқ тенгдошини калака қилаётганига, кўзойнагини тортиб олиб, турткилашаётганига гувоҳ бўласиз-у, эрталабдан кайфиятингизни бузгингиз келмай, уларни кўрмагандек йўлингизда давом этасиз. Аммо, ўзингизнинг ҳам ўсимир фарзандингиз борлиги, у билан ҳам худди шундай воқеа содир бўлиши мумкинлиги, қайсидир бепарво одамнинг лоқайдлиги туфайли айна шу лаҳзаларда қайсидир ўқув даргоҳида болалар тўда бўлиб, ўз тенгдошларини камситаётгани, шахсиятига тегиб, зўравонлик қилаётгани хаёлингизга келмайди. Аксинча, “болаларнинг шўхлиги-да бу” деганча (бугун жамиятимизда безорилик туфайли содир бўлаётган жиноятлар беозоргина жаранглайдиган “шўхлик”

ортдан келиб чиқаётганини билган ҳолда(!), ўзингизнинг лоқайдлигингизни хасасўшлаган бўласиз. Тўғри-да, сизга нима, сизнинг болангизни турткилашмаяпти-ку...

Машиналанинг ўт олдирикансиз, ошиғингиз олчи эканидан, тенгдошларингиздан кўра омадингиз юришгани, дўстларингиздан илгари машинали, уйли бўлганингиздан кайфиятингиз кўтарилди. Олтинчи қаватда жойлашган ишхонангизга кўтариларкансиз, нозик меҳмонлар ёки тафтишчилар келсагина ишга туширилладиган лифт бехос ёдингизга тушади-ю, ёши сиздан анча-мунча катта ҳамкасбларингиз ҳам туфлисизнинг татчармини едириб, зинадан чиқиб-тушаётганини, ўлиб қолмаганини, аксинча, пиёда юриш сиз каби кабинетда ўтириб ишлайдиган соҳа хизматчисининг соғлиги учун фойдали – қон айланиш тизимини яхшиловчи восита эканлигини ўйлаб ўзингизни овуатасиз.

Шу хаёллар билан терлаб-пишиб ўз қаватингизга чиқасиз, даҳлизга ўтиб чуқур нафас оласиз. Хонангиз эшигини очаётиб, даҳлиз деворидаги соҳавий маълумотлар кўрсатилган кўргазманинг бир томони миҳидан сугурилиб, қийшайиб қолганини сезасиз. Тузатиб, олиб қўйиш кераклигини ўйлаш-у, лекин бу сизнинг ишингиз эмас, фаррош ёки хўжалик мудирини фалончи аканинг вазифаси эканлигини эслайсиз. Жамoadошларингиздан аввалроқ пайқаганингиз – шу арзимас нохушликни тўғрилашни ва атрофдаги-

ларга фойдали иш қилиб, савоб олишни бошқаларга юклаганча, хонангизга кириб кетар экансиз, инсонийликка хос аллақандай номсиз туйғу ҳам ўша кўргазма орқасида қийшайиб қолиб кетгани хаёлингизга келмайди.

Эндигина иш столингизга ўтирган пайтингиз бир даста қоғозни гижимлағудай бўлиб, қоғогидан қор ёғилган директор муовини хонага кириб келади ва кўлидаги қоғозларни столга улоқтириб, хужжатдаги хато кимнинг иши эканини сўрайди. Бу хужжатни амалиёт ўтаётган талаба йигитча тузганини, рақамлар ва маълумотларни тайёрлаб бўлгач, сизга текширтганини, буни раҳбариятга топширишга чиқаётиб, эшикка етганда сизга қараб олганини эслайсиз. Кўксингизда ногаҳон уйғонган исён раҳбарнинг хато қилаётганини, йигитни ноҳақ айблаётганини айтишингизга ундайди. Шу ўй билан ўрингиздан кўзгаларкансиз, хаёлингизда директор билан яқиндагина бўлган суҳбат жонланади: ишингиздан мамнун экани, сизда ўсиш кузатилаётгани, яқинда бўлаши кутилаётган бўлим бошлиғи лавозини

Иш кунини яқунлаш арафасида телефонингиз жиринглаб, хотинингиз онангизнинг туғилган куни эканини эслатади. Бозордан бирор кийимлик мато олиб келишингизни тайинлайди. Кўнглингизда ҳадисиз бир хижиллик уйғонади. Бу хижиллик онаизорингиз туғилган кунни унутганингиздан уятми ёки шу тобда бозорга бориб совға олиш ташвиши пайдо бўлганидан малолми, ўзингиз ҳам англолмайсиз. Норози гўдраниб, ўрингиздан кўзгаласиз. Мато танлаш учун бозор айланшдан эриниб, “Хотинимга айтаман, кеч бўлса ҳам эртага бирор нарса олиб берар”, деган ўйда кўлингиздан келадиган харид – гўшт олиш мақсадида қассоблар растаси томонга буриласиз. Гўшт нархини эшитиб, ҳушингиз бошингиздан учса-да, бир кило гўшт тортиб беринг, дейсиз. Қассоб йигит безрайиб, пластик картадан тўлов қимматроқ бўлишини айтганда: “Маошимни пластик картада беришаётган бўлса, сен айтган ошқича нархни амакинг қўшиб берадими?” деб бақирингиз келади-ю, пулингизни нақдлаштириб олмаганингиздан афсусланиб, карточангизни индамайгина қассобга узатасиз.

Негадир шу паллада эрталаб телевизорда кўрганингиз – молларни қиммат сотаётган қишлоқ дўкони сотувчисига танбех бераётгани Анзират буви

ёдингизга тушади. Гўшт растасидан судралгудек бўлиб узоқларакансиз, тобора кўлайиб бораётган ноинсоф сотувчиларданми, ёки ҳамма нарсага бепарво яшаётган, шундай майда-чуйда ноҳақликларга-да эътироз билдирмаётган одамларданми хафа бўлиб кетасиз.

...Йўқламаганингизга неча фурсатлар бўлган онажонингиз хотинингизнинг бисотидан олинган арзон кўйлакни кийиб, меҳмонларга сиз олиб берганингизни мақтаниб ўтираркан, гап орасида сиз учун атай ловияли палов қилганини айтади. Унинг юзини, оғзин кўлларини тарам-тарам ажинлар қачон эғаллаб олганини, укангизнинг болалари қачон кап-катта йигит-қизлар бўлганини эслашга уринасиз. Шу тобда ўзингиз ёқтирган таом – паловнинг ловиялари ёки бошқа нимадир томоғингизга тикилгандек туюлади. Аммо, туйганингиз бу оний кайфият бир лаҳзада сизни тарк этишини онгизингиз олис пучмоқлари билан ҳис қиласиз.

Уйга қайтиб тўшака чўзиларкансиз, негадир тушунмасиз тушлар кўриб чиқасиз. Тушингизга талаба йигитча кириб, Анзират бувига сизни нукул ёмонлаётган, ҳамма нарсага бепарво, ўз фойдасини ўйлаётган, бошқа нарсалар билан иши йўқ, тунд одам деб қақиб берармиш. Сиз эса ҳеч нарса деёлмас, гапирингиз келса-да гапиролмас, оғзингиздан чиққан сўз ўзингизга бало бўлишини ўйлармишсиз.

Ўзингиз гўшт сотувчи йигитнинг юзидек безрайиб бораётганимиш, энг даҳшатлиси, кўзларингиз ўлган молнинг кўзларидек эмиш...

Гўзал РЎЗИЕВА

## ИБРАТ

Рашидаҳон опа тўйхонада ўзини алланечук ноқулай сездим. Маҳалланинг тўй-маъракаларига ҳадеб аралашавермагани учунми, ичкарига, аёлларнинг олдига киришга истиҳоза қилди. Мезбон уни кўярда-қўймай меҳмонхонага бошлади. Рашидаҳон опа киргач, ҳамма “гур” этиб ўрнидан турди. Тўрга таклиф қилишди.

– Йўқ, йўқ кўзгалманглар, мен шу ерга, Рисолатхон холамнинг ёнларига ўтираман, – деди кўлини кўксига қўйиб.

# ПОЙГАКДАГИ ОНАХОН

– Ундоқ деманг, айланай, оғзингиз тўла илм, олимасиз-а! Бунинг устига элнинг олдида юрадиган одамсиз! Пойгакда ўтириш сизга ярашмайди, қани бу ёққа ўтинг-чи, – мулозамат кўрсатди тилла тишлари ярақлаган Жамилахон.

Рашидаҳон опа даврага бирров кўз югуртириб олди-да:

– Шундайми? – деди хижолатли аҳволда, – Бўлмаса, сиз бошланг, – дея Рисолатхон холани олдинга ундади.

– Қўйинг, менга шу ер ҳам бўлаверади, сиз ўтинг. Бундай марҳаматга ўрганмаганман, – деди

ўғил-қизларини ақлли-хушли қилиб ўстириб, эл-юртга қўшган, аммо ўзи камсукумгина бўлган Рисолат хола ўнғайсизланиб.

– Сизнинг оналик мартабангиз меникидан улуғроқ, – деди Рашидаҳон опа “мавқега қараб ўтирганларга” бир кўз кўз ташлаб олarkan, – сизни босиб, мен тўрга ўтолмайман. Майли, шу ерда сиздан пастроққа ўтира қолай...

Бир ўй хотин пойгакдаги онахонага қараб, ноқулай ҳолга тушишди.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА



Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг таянч соҳасига айланган кичик бизнесни янада тараққий эттириш, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш банк молия тизими зиммасига юксак маъсулият ва вазифалар юклайди. Молия бозорига етакчилик мавқеини мустаҳкамлаб келаятган "Агробанк" акциядорлик тижорат банки республикада аграр тармоқни янада ривожлантириш ва шу орқали халқимизга сифатли истеъмол маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида кенг қўллаш ишлар олиб борилмоқда.

"Агробанк"нинг имкониятларидан кенг фойдаландик, — дейди Чиноз туманидаги "Чиноз файз Нур Барака" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Кенбой Кукузов. — Шу йилнинг май ойида 10 минг бош паррандани парвариш қила бошлагандик. Бугунга келиб товуқлар тухум бера бошлади. Товуқхонанинг иккинчи қисми қуриб битказилса, тухум олишга мўлжалланган яна 10 минг бош парранда боқишни режалаштириб турибмиз.

билан мижозлар ишончини тўла оқлаб, улар билан доимий ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

"Агробанк" АТБ жамоаси ҳам ана шу эзгу бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиб, ўз олдига қўйган кенг қўллаш устувор вазифаларни амалга оширишда улкан ислохотларни олиб бормоқда. Хусусан, жорий "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"нинг шу даврига қадар банк томонидан мижозларга, фер-

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Хусусан, юртимизда кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг тараққийи учун 259,3 млрд сўм кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 96 млрд сўм ёки 159 фоизга ошди. Жумладан, "Агробанк"нинг вилоятлардаги филиаллари томонидан мижозларга барча турдаги банк хизматлари қўлай ва сифатли тарзда тақдим этилмоқда.

Банк маблағлари асосан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш мақсадида ажратилди.

Масалан, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва шахсий томорқаларидан фойдаланиш мақсадида банкка бириктирилган 834 аҳоли пунктларидан 1 млн. 260 мингга хонадон қамраб олиниб, ҳисобот кунига қадар аҳолининг тадбиркорлик қилиш имкониятлари тўлиқ ўрганиб чиқилди. Натижада 161 мингдан зиёд хонадон вакиллари 671 млрд. сўмлик банк кредити ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни бошлади. Шундан бугунги кунда 54 159 та хонадон вакиллари 323,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, 54 мингдан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланди.

Республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида ўтган йилнинг шу даврига қадар 382 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Ўз ўрнида ушбу маблағлар тадбиркорлар фаолиятини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифат ва салмоғини ошириш, нафақат ички бозорга, балки ташқи бозорга ҳам маҳсулотлар чиқарилишини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Бугунги кунда дунёда сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизда тизимли ишлар йўлга қўйилган. "Агробанк" акциядорлик тижорат банки томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш,

тайёрланган маҳсулотлар ҳажмини ошириш йўналишидаги лойиҳаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг аҳолининг тадбиркорликка жалб қилиш ва янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқда. "Агробанк" томонидан бу борада амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгиланган.

Чорвачиликда 245,2 млрд. сўм, паррандачиликда 31 млрд. сўм, балиқчилик

Энг муҳими, қарор ижроси юзасидан "Агробанк" вилоят филиали томонидан хўжалигимизга ажратилган кредит маблағлари ҳисобига юқори кўрсаткичга эришдик. Қўшимча равишда 10 та янги иш ўринлари яратилиб, касб-хўнара бичирувчиларидан 8 таси ишга жойлашди.

Тажрибадан маълумки, янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг оёққа туриб олиши осон кечмайди. Бундай паллада уларни изчил равишда қўллаб-

меру тадбиркорларга тезкор ва ишончли хизматлар кўрсатилиб, тадбиркорларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда яқиндан қўмақ бериб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур молия муассасаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ банкнинг капиталлашуви даражасини ошириш, ресурс базани мустаҳкамлаш, фаолиятни халқаро меъёрларга мувофиқ ташкил этиш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилиб ва бу борада ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 декабрдаги Қарорига асосан банк устав капитални қўшимча 100 млрд. сўмга тўлиқ шакллантирилди. Жумладан, 2017 йил март ойида Молия вазирлигининг 100 млрд. сўм маблағи банк капиталига жалб қилинди.

Банкнинг инвестицион фаолиятидаги ишларга назар ташласак, ҳисобот санасигача банк кредит қўйилмалари 5 трлн. 129 млрд. сўмни ташкил қилиб, жорий йил бошига нисбатан 2 трлн. 127 млрд. сўмга ёки 171 фоизга ошди. Шуниси аҳамиятлики, "Агробанк" АТБ томонидан 2017 йилнинг 1 июн ҳолатига иқтисодиётнинг турли йўналишларидаги тадбирларни молиялаштиришга жами 3 трлн. 174 млрд. сўм, шундан банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1 трлн. 377 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Бу маблағлар асосида юртимизнинг ҳудудларида янги тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилишига қўлаверса, ишбилармонлик муҳити янада ривожланишига эришилди. Қувонарлиси ана шу молиялаштирилган лойиҳалар ҳисобидан 11 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил этилди. Ушбу кредит маблағлари асосан санаятга, қишлоқ хўжалиги тармоқларига, қурилиш ва транспорт, моддий техник таъминотга ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,  
"Агробанк" АТБ матбуот хизмати бошлиғи

ва асалиричиликни ривожлантиришга 4,2 млрд. сўмлик лойиҳалар учун кредитлар ажратилди. Ҳудудларда интенсив боғлар ва тоқзорларни барпо этиш учун 16,8 млрд. сўм,

иссиқхоналарни ташкил этишга 53,4 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сақлашга 6,3 млрд. сўм, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 3,7 млрд. сўм ҳамда маҳсулотларни узоқ вақт сифатли сақлаш мақсадида совутиш сизимлари учун 2,6 млрд. сўм кредитлар ажратилди.

2016 йилнинг 20 декабрида "Агробанк" АТБ Бошқаруви томонидан "2017 йилда мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора тадбирлар тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

— Хўжалигимизда яна бир қўшимча тармоқни ишга тушириш учун биз ҳам

қувватлаш, тасарруфидаги бошланғич капитал молиявий манбаларини кўпайтиришга қўмаклашиш муҳим саналади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев фаолиятининг бошлариданоқ Биринчи Президентимиз йоғларини изчил давом эттириш йўлида янги стратегик вазибаларни кун тартибига қўйди. Шу маънода кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш, унинг йўлидаги барча гов ва тўсиқларни бартараф этиш, бу жараёнда барча соҳаларнинг яқдиллигини таъминлаш зарурлиги даврнинг муҳим вазифасига айланди.

Юртбошимиз мамлакатимиз тараққийетининг янги босқичи яъни ҳаракатлар стратегиясининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган кенг қўллаш бешта устувор мақсадларни амалга ошириш борасидаги дастури муҳим ҳужжат бўлмоқда.

Бу жараёнда мамлакатимизнинг ҳар томонлама юксалишида молия муассасаларининг ўрни ва аҳамияти гоятда беқиёс. Бугунги кунда тижорат банклари тезкор, қўлай ва кафолатли хизматлари

**Оила ва жамият**  
Иجتимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси — 176

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,  
"Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси  
(Болалар жамғармаси) ва  
"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент — 100000.  
Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 726. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 5110. Ваҳоси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти — 15:00 Топширилди — 15:00

Навбатчилар: Н. Раҳмонова

У. Адизова

Мусаҳҳиҳ: С. Сайдалимов

Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ISSN 2010-7609



1 2 3 4 5